



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажги
буюк
давлат


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 24 май, № 100 (4253)

Пайшанба

Ёш оила давлат эътиборида



Темур КУРБОНОВ олган сурат.

Мамлакатимиз Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони халқимиз томонидан зўр қониқиш билан кутиб олинди. Бу ҳақда юртдошларимиз фикрлари билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасида

23 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши таклиф этган кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йилги ва 2007 йил биринчи чорадаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот билан молия вазирининг ўринбосари С.Бекенов депутатлар ҳузурига сўзга чиқди. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси А.Аҳмадов қўшимча маъруза қилди.

Ҳисоботда ўтган йилда мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати Олий Мажлис тасдиқлаган параметрларга мувофиқ ижро этилганлиги та-

кидлаб ўтилди. Бюджет жараёнида асосий эътибор Президент Ислоҳ Каримовнинг 2006 йил 10 февралда Ва- даги ҳисобот билан молия вазирининг ўринбосари С.Бекенов депутатлар ҳузурига сўзга чиқди. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси А.Аҳмадов қўшимча маъруза қилди.

рига қўра мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти, саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари еттиштириш, қурилиш пудрат ишлари, пулли хизматлар кўрсатиш ҳўжми сезиларли даражада ўсди.

Иқтисодий ислохотларнинг асосий устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар 2007 йилнинг биринчи чорада белгиланган прогноз кўрсаткичларига эришилишини тасминлади, жорий йил ўчун белгиланган устувор вазифаларга мувофиқ иқтисодий ўсиш жадвал- ларига нисбатан Давлат бюджетни даро- мадларининг ўсишини таъминлаш им- конини берди.

Савол-жавоблардан сўнг ҳисобот батафсил муҳокама қилинди, унда бар- ча сиёсий партиялар фракциялари ва- қиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар

изни ташкил этди, бу 2006 йилнинг тегишли давридаги кўрсаткичга нис- батан 2,5 баробар юқоридир. Ташқи савдо айланмаси, экспорт маҳсулот- лари ҳўжлари барқарор юқори суръ- атлар билан ўсмоқда.

Кейинги йилларда бюджет-солик соҳасида ўтказилаётган оқилона сиё- сат бюджетнинг даромад ва харажат қисмлари мутаносиблигини, айни вақт- да ҳўжалик юритувчи субъектлар зим- масидаги солиқ юқини пасайтиришни тасминлади. Иқтисодий ўсиш, тадбир- корликнинг ривожланиши солиқ со- лиш базасини кенгайттирди, бу эса жорий йилнинг прогноз параметрла- рига нисбатан Давлат бюджетни даро- мадларининг ўсишини таъминлаш им- конини берди.

Савол-жавоблардан сўнг ҳисобот батафсил муҳокама қилинди, унда бар- ча сиёсий партиялар фракциялари ва- қиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари! Сизни Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги билан чин қалбдан табриклашга ижозат эт- тайсиз.

Шарқ ва Ғарб цивилизациялари туташган чорраҳада жойлашган ҳамда ЮНЕСКО томи- нидан Умулжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган Самарқанд Буюк Ипак йўли дав- рида жаҳоннинг энг йирик савдо, фан ва ма- даният марказларидан бири бўлган.

Япония ўчун Буюк Ипак йўли цивилизация- сини очган Самарқанднинг шонли тарихи бу- гунги кунда ҳам ялон халқи қалбига зиё бахш этиб турибди.

Ўтган йили август ойида мен Ўзбекистонга ташриф буюрган эдим. Самарқанднинг тари- хий ёдгорликлари, айниқса Регистон майдони ва Бибиҳоним масжиди ўз маҳобати билан

менда унутилмас таассурот қолдирди. Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олий- ларига Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган тантанали маросимларни ўтқа- зишда улкан ютуқлар, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстлик алоқаларининг янада ри- вожланиши ва мустақамланишини тилаб қола- ман. Халқларимизни қадим замонлардан мус- таҳкам дўстлик ришталари ўзаро бирлашти- риб келган.

Ишончим комилки, бу боқий шаҳарнинг юбилейига бағишланган тантанали маросим- лар бутун дунё халқларининг қадимий Самар- қанднинг гўзаллиги ва маҳобатидан янада кен- рок баҳраманд бўлишига хизмат қилади. Камоли эҳтиром билан,

Дэюньчиро КОИДЗУМИ, Япониянинг собиқ Бош вазири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари! Сизни буюк воқеа — Ўзбекистоннинг қадим- ий гавари Самарқанднинг 2750 йиллиги бил- ан чин қалбдан табриклайман.

Шарқ дурдонаси номини олган, қўллаб ноёб тарихий обидалари билан машҳур Самарқанд бутун инсониятнинг бебаҳо бойлиги сифатида 2001 йили Умулжаҳон маданий мероси рўйха- тидан жой олди. Ушбу 2750 йиллик шаҳарнинг ноёб мероси ҳақиқатан ҳам бебаҳоқидир. Ишон- чим комилки, дунё халқлари хали кўп замон- лар Самарқандни кўриб ҳайратга тушадилар.

Сиз, Жаноби Олийлари раҳнамолигида ҳаёт- бахш ислохотларни изчил амалга ошираётган

ва иқтисодий тараққиёт йўлидан қатъий бора- ётган, ўз миллий маданиятини асраб-авайлаб келаётган Ўзбекистон халқига самимий эҳти- ромимни изҳор этаман.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларингиз ўчун изҳор этаётган са- мимий миннатдорлигимни қабул қилгайсиз. Сиз, Жаноби Олийларига сўхат-саломатлик ва хотиржамлик, Ўзбекистон халқига эса янада юк- сак фаровонлик тилайман. Камоли эҳтиром билан,

Кёко НАКАЯМА, Япония Бош вазирининг маспахатчиси.



Тушларимга бот-бот Қодирий бобо киради. "Нега вақтинги бекорга ўтказиб юрисан, ундан кўра Марғилонга борсанг-чи?" деб танабх беради. "Ахир, Марғилонда нима қилиман? У ерда бирон танишим ёки ишим бўлмаса?! Шунчаки савҳат бўлса — бирон кун насиб қилиб қолар?" — ўзимча мингирлайман. "Қанақа шоирсан ўзи?! Наҳотки Отабек из қолдирган йўллардан юргинг келмаса?! Юрагим ҳаприқайди. Кўз олдидма бирин-кетин "Ўтган кунлар"даги манзаралар жонлана бошлайди. Марғилонга боргим келади...

«МАРҒИЛОНДА КУМУШНИ КЎРДИМ...»

"Нияти тўғри одамга Худонинг ўзи ёрдам беради", дейди халқимиз. Қарангки, таниқли шоирлар, санъаткорлар ва тележурналистлар са- фиди мен ҳам Марғилон шаҳ- рига борадиган бўлиб қол- дим. Сафаримиздан қўзлан- ган мақсад — яқинда 2000 йиллик тўйини нишонлайди- ган арсонавий шаҳарда юз бераётган ўзгаришларни бе- восита кузатиш, марғилон- ликларнинг қувонч-ташвиш- ларига шерик бўлиш, улар билан юзма-юз кўришиб, та- лаб-таклифларни эшитиш ва шу баҳонада ўз ижод наму- наларимиздан баҳраманд этишдир. "O'zbekiston" теле- радиоканали маъмурияти то- монидан ушторилган маз- кур сафарнинг шюри ҳам гўзал: "Меҳринг билан яшай- миз, Ватан!"



кирарканмиз, энг аввало, буюк фақиҳ бобомиз Бурҳо- ниддин Марғинойининг "Хидоя" асарига қўйилган ёд- горлик мажмуасига йўл ола- миз. Бу ердаги кўркамликдан дилмиз яйрайди. Режага кўра, Марғилон

тибиёт коллежида бўлдик. Коллеж жамоаси ўз ўқув дар- гоҳларининг Президентимиз назарига тушганини айтиб, гурурланишди. Дарҳақиқат, бу билим маскани расман

(Давоми 3-бетда).

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Ижтимоий хизмат мажмуи

Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида «Чўлқувар» маданият саройининг очилиш мароси- ми бўлди.

Мажмуадан Миллий ғоя ва маънавият маркази, баддий гимнастика зали, ахборот-ресурс маркази, ёш келин-куёвлар, ўсмирлар ўчун маслахатхоналар ўрин олган.

Маданият саройининг дастлабки иш кунинда вилоят ҳокимлиги, Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан маҳаллаларда ёш оилалар билан ишлаш, жамиятда аёлларнинг фаоллигини оши- риш мавзусига бағишланган семинар-кенгашлар уюш- тирилди.

Бўлиб ўтган тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р. Қосимов иштирок этди.

Б. САТТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Олтин чигит»нинг туҳфаси

Қумқўрғондаги уруғлик чигит ва дон тайёрлашга их- тисослашган «Олтин чигит» Ўзбекистон-Ғреция қўшма корхонаси Қорсоқли даштида 12 гектар ерда кўчат тай- ёрлаган эди. Хомийлик сифатида мактабларга ва ма- ҳаллаларга шу йилнинг ўзида 10 мингтага яқин ноёб дарахт кўчатлари ҳадя қилинди.

Қорхона қошидаги алюмин эшик-ром тайёрлаш цехи жамоасининг ҳиммати ҳам кам эмас. Туман туғуруқхона мажмуи таъмирига 12 миллион сўмлик ёрдам кўрсатди.

Яқинда «Олтин чигит» корхонаси қошида мебелсоз- лик устaxonаси ҳам иш бошлади.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ШАВКАТ ВА БАХТИЁР ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ



2007 йилнинг биринчи чорада аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳўжми аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан

25 фоизга кўпайди

Хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури босқичма-босқич амалга оширилаётгани, тадбиркорлик субъектлари қўллаб-қувватланаётгани, инвестиция, жумладан, хорижий ресурсларни жалб қилиш бўйича муайян чора-тадбирлар кўриллаётгани туфайли шундай натижага эришилди.

Ғрециянинг Порто Карас шаҳрида кикбоксинг спорт турининг УРК (Бу- тунжаҳон кикбоксинг ас- социацияси) йўналиши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Жумла- дан, Шавкат Азизов ва Бахтиёр Норовлар ўз ва- зан тоифаларида барча рақибларини енгиб, жа- ҳон чемпиони, деган ша- рафли номга сазовор бўлдилар. Шунингдек, Фу- ломиддин Сайдиҳаматов, Абулқар Бахромова, Му- ҳаммадали Тоштурғунов кумуш, Улугбек Умаров, Сардор Расулов, Зиёдулла Уматалыев ва Ноди- ра Казаквалар юртимиз- га бронза медаллари бил- ан қайтишди. Жаҳон чемпионатида 43 давлат- дан кучли спортчилар катнашганини ҳисобга олсак, ҳар бир медалга ўчун кураш нақадар ма- шққатли кечганлигини ан- глаш қийин эмас.

Кеча Тошкент халқаро аэропортида жаҳон че- мпионатида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимиз катта тантана билан ку- тиб олинди.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Эртага юртимизнинг барча мактабларида сўнги кўнғироқ чалинади. Йил мобайнида ўқувчиларни синфларга чорлаб келган кўнғироқ бу сафар сабоқлар- нинг туғганлигидан дарак беради. У белгиланган дастур бўйича билимларни ўзлаштирган ўғил-қизлари- миз ўчун катта ҳаётга чорловчи кўнғироқ ҳамдир.

КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАГАН АВЛОД

Истиқлол фарзандлари! Мактабни битираётган ўғил- қизларимизга ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди. Дил- ларида бир олам ниятлари бўлган ёшларнинг орзулари ушалайи ўчун "Мактабга эътибор — келажакка эъти- бор" шюри остида, хоҳ ша-

Мактаб таълимидидаги ис- лохотлардан руҳланиб, ўғил- қизларимизнинг қалбидида илму маърифатга чанқоқлик ортиб бораётгани барча- мизни қувонтиради, албат- та. Энди улар ўзлари орзу қилган коллеж, олий ўқув юрти ёки халқ ҳўжалигининг бирор жаҳасига йўл ола- дилар. Шу- нинг ўчун ҳам бу ёғига улар- га бола эмас, балки етуқлик

Сўнги кўнғироқ

ҳар жойда бўлсин, хоҳ энг чекка худудларда бўлсин, замонавий ва мухташам мактаблар кад рустлапти. Мактаб таълимини ривож- лантириш давлат сиёсатига айланди. Истиқлол йиллари- да одамларнинг онгу тафак- кури ўзгарди. Уларнинг қал- биди шу азиз Ватан мени- ки, унинг бугунги ва эртан- ги кунни ўчун мен масъул- ман, деган дахлдорлик туй- гусининг тобора кўтайиб бораётгани барпо этилаёт- ган жамиятимизнинг мус- таҳкам пойдеворидир.

(Давоми 6-бетда).

Араб дунёсидаги нуфузли оммавий ахборот воситаларидан бири — Мисрдаги «MENA» ахборот агентлигининг интер- нетдаги вебсаҳифа- сида бу йил кенг нишон- ланажак Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тўйи муносабати билан «Самарқанд — Моваро- уннаҳр юртининг пойтахти 2750 йиллиги- ни нишонламоқда» сарлаҳхали мақола эълон қилинди.

Самарқанд — рўйи замин сайқали



У Самарқанднинг кўна тарихи, бой маданияти ва ўзида жо- этган бетақорр меймюрчилик санъатига бағишланган бўлиб, жорий йилда ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг қарорига биноан, мазкур қадимий шаҳарнинг 2750 йиллик юбилей тантаналарини кенг нишонлашга араб ўқувчи- лари эътиборига ҳавола этилган. Мақолада бу гузал ша- ҳар асрлар буйи ислом ма- даниятининг йирик марказ- ларидан бири бўлиб келга- ни алоҳида қайд этилди. «Жаҳон» АА. Қоҳира.

МАМЛАҚАТ бўйлаб

Мавсум соз ўтади

Пскент туманидаги Олмалик кон-металлургия комбинатига қарашли "Тонг" оромгоҳида ёз мавсумида болаларни соғломлаштиришга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Йилгилишда вилоятдаги мавжуд оромгоҳларда болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумига тайёрларлик борасида олиб борилган ишлар таҳлил этилди. Хусусан, вилоятдаги ўн битта оромгоҳ тўлиқ ва сифатли таъминдан чикарилган, зарур анжомлар билан жиҳозланган, болаларнинг мароқли ҳодик чикариши учун барча шароит яратилгани қайд этилди.

Жорий йилда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларига ҳар йилдан кўра кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, Хоразм вилоятидан ҳам минг нафар ўқувчи келиши кутилмоқда.

Назария ва амалиёт

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш фонди ташаббуси билан «Маърифат» газетаси таҳририяти қошмада ижодий устaxonда «Босма ва интернет нашрларида репортаж жанр хусусиятлари ва амалиёт» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Унда журналистик фаолиятнинг бу муҳим жанри илмий асослари ва бугунги матбуот саноатида чоп этилаётган репортажлар сифати ҳамда савияси ҳақида сўз борди. Таниқли қаламқашлар журналистика оламига эндигина кириб келаётган талабалар билан ўз таъбирларини ўртоқлашди. Репортаж таъбирининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

Семинарда Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, оммавий ахборот воситалари вакиллари, ахборот агентликлари раҳбарлари ҳамда журналистика факультети ўқитувчи ва талабалари қатнашди.

Ватан оиладан бошланади

Фарғонада ўтган ўқув-амалий семинар шундай номланди.

Чиндан ҳам оила миллатнинг кўрки, ифтихори ҳисобланади. Фарғона вилоятда 700 мингдан кўпроқ оила бор.

Семинарда оиланинг қувонч-таъвишлари, муаммолари, аёллар ва қизларнинг тиббий ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Касаначилар сафи кенгайди

Давлатимиз раҳбари Ислам Қаримовнинг 2006 йил 5 январда қилган қўлидан «Иirik саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш, аҳолининг бандлик даражасини ошириш юзасидан Сирдарё вилоятда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.




ни сифатли ва муддатда тайёрлаб бераётган касаначиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Маълумотларга кўра, жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ҳам касаначилик имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, «Бон жинс плюс», «Тошкент-Коттон», «Бахт-Оқолтин ёғи» хусусий фирмалари ўнлаб тикувчи хотин-қизларни касаначилик асосида меҳнатга жалб этди. Туманда яна ўнга яқин кичик корхонада янги иш жойлари ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Мактабларнинг янги қиёфаси

Мактаб таълимининг ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига мувофиқ ҳозирга қадар Фарғона вилоятининг Оқунбобоев туманида 17 та умумтаълим мактаби мукамал реконструкция қилиниб, жорий таъмирдан чикарилди.

Туманининг Қирғизобод қишлоғидаги 13-умумтаълим мактаби ва Муллақайроғоч қишлоғида жойлашган 50-умумтаълим мактаби ўтган йили бутунлай қайта таъмирланиб, ўқувчиларни ўз бағрига олганди.

Туманимиздаги яна 32 та умумтаълим мактабида капитал реконструкция, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Зикрилло Тешабоев. — Ҳукуматимизнинг таълим соҳасини ислоҳ қилишга бўлган бундай эътибордан ўқувчилар ҳам, ота-оналар ҳам миннатдор. Жорий йилда 4 та умумтаълим мактабида қурилиш ишлари амалга оширилди.



СУРАТДА: 50-умумтаълим мактаби информатика ўқитувчиси Эргаш Мираҳмедов ўқувчиларга компьютер сирларини ўргатмоқда.

Муҳим ҳоқ ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ЁШ ОИЛА ДАВЛАТ ЭЪТИБОРИДА



Мавлуда РАШИДОВА, касаначи (Андижон вилояти):

— Онанинг кўнгли ҳамиша болаларида бўлади-да. Фарзандларимиз ўздан тиниб-тинчиб ўтирса, шунинг ўзи кифоя, биз, оналар учун. Қуни кеча тикув машинасида кўрпа-тўшак чоклаб ўтирсам, катта келиним Дилдорахон кўчадан қувониб кириб келди. Қўлида газета. Унда ёш оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш ҳақидаги Фармон босилиб чиққан экан. Ишонсангиз, у қалбимизга гўё малҳам бўлди. Яқинда уйлантирган ўғлим учун қўшимча уй-жой сотиб олишни ният қилиб юргандик. Йиғиб қўйган маблағимиз ҳам бор. Қолганини Фармонда ёзилганидек, банкдан кредит ҳисобига олсам, муаммомиз ҳал бўларкан. Мен қувонмай, ким қувонсин.

Дил сўзлари

Нодир КАМОЛОВ, ўқитувчи (Қамаши тумани):

— Фармонни синчиқлаб ўқидим. Очиғи, ундан юрагимнинг тўрида турган фикрларни толиб, бениҳоя хурсанд бўлдим. Яқинда қўшимизни узатмоқчимиз. Унинг бўлажак оиласининг бахти бекам бўлишини, кўнглилари тўқ турмуш кечирिशларини жуда истаيمان. Фақат бугина эмас. Ниятим шу ёшлар ота-онанинг ҳурматини жойига қўйишса, яшаётган заминини ардоқлашса, дейман. Ўртбошимизнинг Фармони ёшларнинг, бизга ўхшаган ота-оналарнинг эзгу ниятларини, қалбидаги улғу орузларини ихобат қилишга қаратилганлиги билан ҳам эъзозлидир.

МАҚСАД — ИҚТИСОДИЁТНИ ЮКСАЛТИРИШ

Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига ташрифи пайтида билдирган фикрлари ҳамон жамоатчилик эътиборида турибди.

Қўллаб-қўрғашларимиз таҳририятимизга йўлаган мактублариди, телефон кўнгиқорлари орқали ана шу самарали ташриф хусусида ўз фикрларини изҳор қилишмоқда. Қўлида уларнинг айримлари билан танишасиз.

Ўртбошимиз «Фермер олдиға замон қўяётган талаблар ошиб бормоқда» деб айтганларида, дарҳақиқат, ҳали олдимизда улкан вазибалар борлигини чўқур ҳис этдик.

Дастлабки фаолиятимизни чор-вачилик ва деҳқончиликдан бошлаган бўлсак, ҳозирда фермер хўжалигимизнинг кичик шевлариди ўз хомашёидан 10-12 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Олаётган даромадимиз ҳам чакки эмас. Чўки ишлаб чиқариш биз, фермерларга қанот бўлмоқда.

Жорий йилда эса маҳсулот ту-

рини икки баробар қўлайтириш, жами ишчилар сонини 300 нафарга етказиш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқиб, уни амалга ошириш чораларини кўрмоқдамиз.

Хумитхон МҮЙДИНХҲАЕВ, Қосонсой туманидаги «Чашма сафед» фермер хўжалиги раҳбари.

Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига ташрифи тафсилотларидан телевизор орқали хабардор

бўлиб, очиғи, жуда қувондим. Фаолиятимиз учун кўп нарсаларни олдим.

Авалло, эътиборимни тортган жиҳат шўки, Ўртбошимизнинг меҳнат-қашарга яратиб берилган шарт-шароитлар билан қизиқиб, дилдан сўхбатлашгани, зарур маслаҳатларини бергани бўлди.

«Турлан» акциядорлик жамияти операторидан «Ишда толиқмаясизми?» деб сўрадилар.

Назаримда, бу саволнинг замирида мавжуд корхоналарни замонавийлаштириш, шу орқали ишчи-хизматчилар учун муносиб меҳнат шароитини яратишдек эзгу мақсад муҳимсам эди. Буларнинг бари сифатли маҳсулот тайёрлаш, иқтисодий самардорликка эришишга хизмат қилади. Бунинг ўзимизнинг фаолияти-

мизда гувоҳи бўлганим учун айт-ялман.

Тадбиркорликка яратиб берилган имкониятлардан фойдаланиб, 2002 йили ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Бунинг учун Япония ва Германиядан замонавий тикув машиналарини харид қилдик, Туркиядан дазвол ҳамда пресслаш дастгоҳларини келтирдик. Ушбу ускуналар ёрдамида бугун хорижикидан асло қолшмайдиган эркаклар ва болалар костюм-шимлари, нимчалар, шимлар, шунингдек, иссиқ кийим-кечаклар тайёрлялғимиз.

Ўртбошимизнинг сўзларини тинглаб, бизда фаолиятимизни янада кенгайтириш, замонавий технологияларни кенгроқ жалб қилиш истағи туғилди. Бу ниятлар рўёби учун ҳаракатни бошлаб юбордик. Мақсадимиз эл қорига яраб, иқтисодий-иқтисодий янада юксалишига муносиб улғу қўшишдир.

Олим ФОЗИЛОВ, Бўхоро шаҳридаги «ОFS» хусусий фирмаси раҳбари.

ХОМАШЁ ҲАМ, МАҲСУЛОТ ҲАМ ЎЗИМИЗНИКИ



Мамлакатимиздаги кимё саноати корхоналари орасида «Самарқандкимё» очик акциядорлик жамияти ўзига хос нуфузга эга. Эеро, бу ерда ишлаб чиқарилаётган нитрокальций фосфат-нитрофос ўғитига ички бозордагина эмас, ташқи бозорда ҳам талаб юқори.

2006 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Умумий ва ноорганлик кимё институти ходимлари таркибида тез эрувчан тузалар бўлган нитрофоснинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажминини 50 минг тоннага етказиш лойиҳасини ишлаб чиқарилган эди. Ҳозирда уни амалга ошириш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда.

— Нитрофос ўғити самардорлиги жиҳатидан аммофосдан қолшмайди, лекин таннархи қарийб икки баробар арзон, — дейди корхона бош мундириси Рўзат Ражабов. — Бунинг сабаби шўки, маҳсулот мақаллий хомашёдан ишлаб чиқарилмоқда.

СУРАТДА: корхона лаборатория ходимлари Дилором Абдурахимова ва Дилором Маҳматқулова иш устида.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

ХИЗМАТ ТЕКШИРУВИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Газетамизнинг 2007 йил 2 февраль сонидида чоп этилган «Зарарга мослаб қўйилган нарх» сарлавҳали мақола юзасидан республика Бош прокуратурасининг прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи вазибасини бажарувчи Б. Деҳқонов имзоси билан таҳририятимизга расмий жавоб келди. Унда, жумладан, шундай дейилади.

«Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 2 февраль сонидида чоп этилган «Зарарга мослаб қўйилган нарх» сарлавҳали мақола кўриб чиқилди. Муқаддам газетанинг 2006 йил 12 август сонидида «Суддан қуруқ чиқаётганлар, қайта-қайта судланиб

авф этилиши мумкинми?» сарлавҳали мақоласида чоп этилганидан сўнг, Бош прокуратура томонидан А. Мамажонов ҳамда Г. Муҳитдиновларга нисбатан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод тумани, Фарғона вилояти Қўқон шаҳар, Учкўприк тумани ва Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар судларида қўрилган жиноят ишлари чикарилиб, ўрганиб чиқилди.

..Бундан ташқари, А. Мамажонов Фарғона вилояти Бувайда тумани ҳокимлигиндан компьютер техникасини етказиб бериш учун 2004 йилда «Эвридей сервис» туманидаги «Амир Интур» МЧЖ раҳбари Г. Муҳитдинов билан жиноий тил бириктириб, қалбаки ҳужжатлар асосида 2005 йилда 2016430,0 минг сўмлик товар айланмасини амалга ошириб келиш билан бирга, савдо фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни қасддан йўқ қилишган. Тергов органи томонидан А. Мамажонов ва Г. Муҳитдиновлар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддасининг 2-қисми, 189-моддасининг 3-қисми ва бошқа моддалар билан айбланиб, жиноят иши судга юборилган. Фарғона вилояти Учкўприк тумани судининг 22.08.2005

йилдаги ҳўқмига кўра, уларга энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баравари миқдоридида жарима тайинланган.

Г. Муҳитдинов «Лаззат Чевар» МЧЖ раҳбари бўлиб, чакана савдо қилиш ҳўққинини берувчи ҳўжатларни қалбакилаштириш йўли билан 472.094,0 минг сўмлик савдо фаолиятини амалга оширган. Шунингдек, у 470550,0 минг

сўмлик маҳсулотларни нақд пулга сотиб, тушган маблағларни назорат қасса машинасига кириш қилмаган ҳамда жами 13139,0 минг сўмлик мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товланган. Бундан ташқари, Г. Муҳитдинов МЧЖнинг молиявий фаолиятига тегишли бўлган ҳўжатлар, муҳр ва штампларни қасддан йўқ қилиб юборган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 513-моддасига кўра, оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиғи, жазони қуяйтириш ёки маҳумнинг аҳолини оғирлаштирадиган бошқа

ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суднинг айблов ҳўққини назорат тартибидида кўриб чиқилган учун қонуний қилга кирганидан сўнг бир йил мобайнида йўл қўйилишини инобатга олиб, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар, Учкўприк, Миробод тумани судларининг ҳўққларига бир йилдан ортиқ муддат ўтганлиги сабабли протест киритиш имконияти бўлмади.

Аммо Г. Муҳитдиновга нисбатан Янгийўл шаҳар суди томонидан қўрилган жиноят иши бўйича айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш мақсадидида суднинг 2005 йил 21 октябрдаги ҳўққини Бекор қилиш ҳақида 2006 йил 7 октябрда Бош прокуратура томонидан Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатиға протест киритилган. Мазкур протест 2006 йил 17 октябрда кўриб чиқилиб, қаноатлантирилган.

Айни вақтда Г. Муҳитдиновга нисбатан жиноят иши Янгийўл шаҳар судида қўрилиб, у суддан яширинганлиғи сабабли суднинг ахримига кўра қидирув эълон қилинган. Ҳозирда Бош прокуратура томонидан мақолада қўрилган ҳолатларға алоқадор бўлган прокурор-тергов ходимларининг хатти-ҳаракатларига баҳо бериш юзасидан хизмат текширув ўтказилмоқда.

Пойтахтимизда 23 май куни икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Беларусь ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, энергетика, банк-молия, қишлоқ хўжалиғи, фармацевтика, озиқ-овқат, транспорт коммуникациялари, сайёҳлик, маданият каби соҳаларда фаолият кўрсатётган қатор вазирилик ва идоралари, фирма ва компанияларидан вакиллар иштирок этди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, қўшма комиссия хамраиси Қ.Санакулов Беларусь Республикаси мамлакатимизнинг аънавий ҳамкорларидан эканини таъкидлади. Ушбу ҳамкорликнинг ривожланишида икки давлат раҳбарларининг урдушуварлида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Беларусь Бош вазирининг ўринбосари, қўшма комиссия хамраиси Андрей Кобяков мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қурилган ҳамкорлик сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

— Ўзбекистонға ушбу ташрифдан мақсадимиз мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий, энергетика, илм-фан, сайёҳлик, спорт, фармацевтика сингари қўллаб тармоқлардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақамлаш имкониятларини яна бир кўриб чиқилдан иборат, — деди А.Кобяков. — Мазкур соҳаларда икки томон учун ҳам ўзаро манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тарафдоримиз.

Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида икки мамлакатнинг ҳам имкониятлари катта. 2006 йилда мамлакатларимиз ўртаси-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

парламент томонидан тасдиқланган параметрларға мувофиқ мамлакатимиз Давлат бюджетининг ижроси юзасидан катта ишлар қилинганлигини таъкидлади. Муҳокама чоғида бюджетнинг биринчи навбатдаги харажатлари, аҳолининг ижтимоий ҳимойға муҳтож қатламларини муҳофаза қилиш тадбирлари тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштирилиши юзасидан аниқ чора-тадбирлар қўришни жадаллаштиришга, бунда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга оширишга алоҳида эътибор бериш зарурлиғи ҳақида ишлар билдирилди.

Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида баён этилган тақрифларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йилги ва 2007 йил биринчи чорағидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси А.Абдуназаров «Энергиядан оқилана фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини тақдим этди. Депутатлар қонун лойиҳасини модда-модда муҳокама қилиш чоғида киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ҳўққини қўллашни амалиётдан ҳамда ҳўжжатнинг айрим нормаларини янада тақомиллаштириш заруратидан келиб чиққанлигини таъкидлаб ўтдилар. Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида депутатлар билдирган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди ва маъсул қўмитаға уни учинчи ўқишда муҳокамага киритиш учун маромиға етказиш вазибасини топширди.

(ЎЗА).

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

"коллек" деб аталса-да, яратилган шарт-шароитлар нуқта назаридан бемалол институтлар билан белгилас олади. Шу ерда бир гапни қистириб кетиш даркор. Баъзан "мамлакатимизда шунча коллеж қуриляпти, уларни битирган талабалар қаерда ишлайди, ундан кўра бу маблагни бошқа соҳаларга сарфласа бўлмайди?" деган гапларни ҳам эшитиб қоламиз. Бир ҳақиқатни эътироф этайлик: ишлаб кетиш ёки кетмаслик, аввало, одамнинг ўзига боғлиқ. Ҳайратли, билимдон мутахассис ҳеч қачон кўчада қолмаган. Бу коллежни битирган талаба қизлар эртага бирон хонадонга келин бўлиб тушса ҳам фақат дуо олишдади. Табиийки, бундай оилада соғлом турмуш тарзи ҳўкм суради. Қолаверса, "хамшира келин" қўни-қўшилларнинг ҳам қорига ярайди...

Коллеждаги самимий учрашувдан сўнг Марғилон шаҳридаги "Едгорлик" корхонасига йўл оламиз. Бу ердаги манзарани кўриб, ҳайратимиз ўн чандон ошди. Миллий либослардаги гузал қизлар қўл дастгоҳларида гўё мўъжиза яратиб қўйди. Улар ишлаб чиқаришдан атлас, адрес каби миллий матоларни кўриб, кўзларимиз кўнади. Қизларнинг ишлаш жараёнини кузатаркан, ҳамроҳларимиздан Ҳосила Раҳимова чидаб туролмади: шартта дастгоҳлардан бирга ўтириб, ишга киришиб кетди. "Бу сингилларимизни кўриб, шолча тўкиган онахонларимиз эсимга тушиб кетди, — дейди у табассум билан, — бирок бу сал қийинроқ экан... Бозордан атлас ёки адрес сотиб олаётганимизда, бунча машаққатли жараёнинг маҳсули экани ҳеч ҳаёлимга келмасди. Қизларга қўйилмас..."

Ха, чиндан ҳам тасанно! Шўх-шаддо қизлар пойтахтдан келган таниқли ижодкорлар билан самимий мулоқотга киришаркан, бир зум ҳайратланди, "Э, сиз ўшамми?" деб қўйиб, сўнг уш уш ишларини давом эттиришар эди. Улар гўё Отабекнинг йўлига кўз тиккан Қумушбинини эслатарди. Сафар мобайнида ёзилган куйидаги сатрларга, эҳтимол, шу чевар қизлар туртки берган бўлса, ажаб эмас:

Кучоқ очди латиф Марғилон,
Кездим ҳар бир сўлим гўшани.
Ва бир хитоб туйдим ногаҳон:

«МАРҒИЛОНДА ҚУМУШНИ КЎРДИМ...»

"Сиз ўшамми, айтинг, ўшамми?"
Сиз ўшамми?! — қолдим доғдираб,
Сиз ўшамми?! — қуларди бир қиз.
Қарарканман унга жовдираб,
Жавоб бера олмадим ҳаргиз...

Йўқ, безовта бўлма, Марғилон,
Бир гулгизга ҳатто тегмасман.
Мен, бор-йўғи, орзуманд гулом,
Бир шоирман, ахир, бекмасман.

Хушёр тургин, майли, отадек,
Посбон бўлиш қизингизга ҳар дам.
Гар ёқмасиз сенга Отабек,
Раво кўрма ҳамидарга ҳам!

Марғилонга оқшом чўқди. Ташкентдан чиқётганимизда кўнглимизда бир ниёт бор эди, секингина ҳамроҳларим билан биргаликда Қува шаҳрига отландик. "Нега?" — дейсизми?! Кўнглини обод

қилиш учун! Янама аниқроғи, Хуррият исми гузал қалбли синглимизни йўқлаб келиш учун! Хурриятхон билан мен "Гап чиқди" кўрсатуви тайёрлаб юрган кезларимда телефон орқали танишган эдим. Кўнгироқдек тиник, ширали овозини эшитиб лол қолгандим ўшанда. Асосийси бу эмас. Асосийси — унинг матонати. Ота-ониси ҳам, ўзи ҳам, синглиси ҳам — кўзи ожиз, аммо кўнгли кўзи очик

инсонлар. Қалб кўзи орқали баъзан бизлар беҳабар бўлган мўъжизаларни кўра олишарди. Эътиборга молик яна бир жиҳати шундаки, ҳеч қаерда тахсил олмаган Хурриятхон чиройли шеърлар ҳам ёзади. "Қандай қилиб?" дейсизми? Ҳаёлида! Унга қалам-қоғознинг кераги йўқ. Мисралар қуйилиб келади — у хотирасига мўҳраб қўяди. Унутиб қўймаслик учун кейин, ҳар эҳтимолга қарши, бошқалар ёрдамида қоғозга кўчиртилади.

Бизни дея безовта бўлишмасин деб, Хурриятхонни олдиндан огоҳлантириб қўймаган эдим. Кутулмаган меҳмонлардан мезбонларнинг боши осмонга етди. Улар билан дийдорлашарканмиз, уринтириб қўймаслик учун ишларимизни кўнглини, бирорва кирганимизни айтмасдик. "Бўлмасиз, янги шеърларимдан эшитиб кетингизлар", — дейди Хурриятхон. Сўнг укаси, оиланинг нурийдисиди бўлган Шўхруллохон дарров опасига доира тутди. Хуррият ўз шеърларини охирига солиб, қўшиқ қилиб айта бошлади. "Отасингиз қизи-да!" — ўйладим дадаси Инъомжон

аканинг мусиқа мактабиди дарс бериши ёдимга тушиб, Сел бўлиб тингларканмиз, юрагимизнинг энг нозик торлари чертилгандай туюлади. Қалбимиздаги музтоғлар эриб, қароғларимиз наллангани сезамиз. Ва ўйлаймиз: нақадар ношўқримиз-а? Ҳамма нарсамиз бўлатуриб, ҳаётнинг барча лаззатларидан баҳра олак-да, нолий-верамиз. Шуқур қилишни билмаймиз. Ҳаёт синовлари

Чиндан ҳам, Бурхониддин Марғинович бобомизнинг чиллахоноси жойлашган бу маскан кун сайин ободлашиб бормоқда. Юбилей тантаналаригагина ишни битириш учун кўнглик усталар тиним билмай ишлашмоқда. Фозил ота Қуръон тиловат қилгач, секин кўзголамиз. "Энди йўл бўлсин, меҳмонлар?! — саволмуз қарайди у киши. "Жаҳон отин — Увайсийнинг мақбараида ҳам

таъмирлаш ишлари кетаяпти, деб эшитгандик, шу ёққа бормоқчимиз", — дедик. "Ие, хўп десаларинг, мен ҳам бораман!" — Фозил отанинг кўзлари чакнаб кетади. Чоғроққина ҳовли. Усталар дарвоза олдида ишлашяпти. Ҳовлида қадимий бахл тути айни пишган. Тутнинг ёнида янги солинган, айвонли ўй. Увайсийнинг ўйи, дей раъзий маънода қуришибди. Ҳовли саҳнига жуда ярашган. Унинг ёнидаги йўлакдан орқа томонга ўтамиз. Ногоҳ беш олтига қарб жойлашган оилавий даҳмага дуч келамиз. Қабртошларнинг янги қўйилгани сезилиб турибди. Шу пайт хонадон соҳиби Тоир ака бизга пeshов чиқади. "Қандай қилиб бу оилавий даҳма сизнинг ҳовлингизда жойлашиб қолган?" — табиий савол тилимизга чиқади.

Режамизда белгиланган барча тадбирлар кўнглидагидек ўтди. Хулоса шунки, катта тўйга тайёргарлик қўраётган марғилонликларнинг ғайратига қўйил қолдик. Сўлим гўшаларни кезарканмиз, ақойиб инсонлар билан ҳамсуҳбат бўларканмиз, бу ерда туғилиш-ку, майли — бир марта келиб кетишингиз, зиёрат қилишингиз ўзи хайрли эканига амин бўлдик.

Тоир ака биров фахр аралаш жаов беради: "Шоиранинг акаси бизнинг уруғимиздан уйланган. Яъни Увайсий бизга қуда томондан қариндош. Умрининг сўнги йилларида у акасининг ёнига кўчиб келган экан. Қўн хони унга шу ердан уй солиб берган, дейишарди". "Ҳамма бало шундаки, — дейди у киши афсус билан, — шу пайтгача Увайсийнинг қабри бошқа жойда деб келинган, ўша ерга шоиранинг ҳайкали ўрнатилган, қабр тоши ҳам қўйилган. Одамлар шунча йиллар давомида Увайсийнинг сохта қабрини зиёрат қилиб келишди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг мутахассислар тадқиқот ишларини олиб боришди ва Увайсийнинг қабри айнан шу ерда эканини тасдиқлашди". Е табво! Бу қанақаси бўлди?! Шоиранинг қабрини сохталаштириш қимга керак бўлган экан?! "Эслайман, — дейди Тоир ака хўрсиниб, — отам вафот этишидан сал олдин уйимизга собик шўро амалдорларидан бири келди. Анча қартайиб қолган экан. "Фалончибой, — деди у киши ўйиниб, — энди у дунёни ўлайдиган пайтимиз ҳам келди. Менинг гуноҳимизни кечиринг. Увайсийнинг қабрини сўрашганларида, обод бўлиб қолсин, деб ҳовлимизга яқинроқ жойини кўрсатган эдим, ҳақиқатини эса ўзингиз биласиз. Илтимос, гуноҳимдан ўтинг..."

Отам ҳеч нарса дейлмади. Фақат "Мен ҳам сиздек бандаман. Гуноҳингизни Худодан сўранг. Кечирса — ўзи кечиради", деб жаов қилди, холос. Ана шунча гаплар...

Бу ерда кетаятган ободчилик ишларидан қанчалик хурсанд бўлган бўлсак, яқин ўтмишимиздаги ажабтову ишлардан шунчалик кўнглимиз хуфтон бўлди.

Режамизда белгиланган барча тадбирлар кўнглидагидек ўтди. Хулоса шунки, катта тўйга тайёргарлик қўраётган марғилонликларнинг ғайратига қўйил қолдик. Сўлим гўшаларни кезарканмиз, ақойиб инсонлар билан ҳамсуҳбат бўларканмиз, бу ерда туғилиш-ку, майли — бир марта келиб кетишингиз, зиёрат қилишингиз ўзи хайрли эканига амин бўлдик.

Надир ЖОНУЗОҚ.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Покистондаги энг баланд минора

Бутунхитой давлат қурилиш-муҳандислик корпорацияси Покистонда баланд минора қуриш юзасидан шартнома имзолади.



«Кентавр» деб номланган минора ушбу иморат мамлакат пойтахти Исламободдаги энг баланд иншоот бўлади. Ушбу лойиҳанинг қиймати 300 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Мазкур минора 2,7 гектар майдонга эгаллаб, унинг тагида беш қаватли савдо маркази қурилади. Иншоот 2010 йилда фойдаланишга топширилади.

ЕИ аҳолиси чекишга қарши

Ўтказилган сўрвонма натижаларига кўра, европаларнинг 88 фоизи иттифоқ ҳудудидаги жамоат жойларини қўллаб-қувватлашган. Соғлиқни сақлаш ва истеъмолчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича еврокомиссар Маркис Киприан тамаки маҳсулотларига қарши кураш кампанияси ўтказиш юзасидан иттифоқ парламентиға мурожаат қилди. Ирландия, Швеция ва Италияда жамоат жойларида чекишни тақиқловчи қонун кучга кирган. Тадқиқотларга кўра, ЕИдаги кашандаларнинг ҳар утадан биттаси чекишни ташлашга ҳаракат қилмоқда.

Хитой «Blackstone»га харидор

Хитой Американинг хусусий «Blackstone» инвестиция компаниясини 3 миллиард долларга сотиб олишни режалаштирмоқда. Компаниянинг 153,3 миллион дона акцияларининг ҳар бири 31 доллардан баҳоланаяпти. «Blackstone»нинг акциялари биржага чиқарилгандан сўнг, унинг баҳоси 20 фоизга кўтарилди.



Ушбу масала Францияда президентлик сайловлари туғанича орқага сурилганди. Франциянинг янги президенти Никола Саркози «EADS»нинг мамлакатга тегишли ўн беш фоиз акцияси яқин вақт ичида сотилишини айтди.


Улушини кўпайтирмоқчи

Россия Европанинг «EADS» авиаконцернидаги улушини кўпайтирмоқчи. Россиянинг «Бирлашган авиакорпорацияси» концерни билан йўловчи ташиш самолётларининг янги авлодини яратиш бўйича музокаралик олиб бормоқда.

Таъкидлаш керакки, дунёдаги энг кўп йўловчи ташийдиган «А-380» самолётларини харидорларга етказиб бериш кечиккани учун концерн бир қатор молиявий қийинчиликларни бошдан кечирмоқда.

Кредит масаласи ҳал

«Аэрофлот» Италиянинг «Alitalia» авиаконцернига сўраб олиш мақсадида банк билан ушбу шартномани молиялаштириш бўйича кредит масаласини ҳал қилган. Банк номи ҳозирча ошқор этилмаётган бўлса-да, бу ҳақда «Аэрофлот» бош директори Валерий Окулов журналисларга маълум қилди. Компания бир неча халқаро банкларга 500 миллиондан 900 миллион еврогача узоқ муддатли кредит сўраб мурожаат этганди.




Таъкидлаш жоизки, Италия ҳукумати зарар билан ишлаётган «Alitalia»ни шу йилнинг июнь ойи охирига қадар сотишни режалаштирмоқда. Ҳозирда «Аэрофлот» компаниянинг 95 фоизлик акциялар пакетига даъвогарлик қилмоқда.

Суд эътирози

Украина Конституциявий суди президент Виктор Юшченконинг суд расислари ва уларнинг ўринбосарларини лавозимидан бўшатиш ва тайинлаши мамлакатнинг асосий қонунига зид эканлиги тўғрисида қарор қабул қилди. Судьяларнинг фикрича, Виктор Юшченко конституциядаги «Украина суди тизими тўғрисида»ги талабларни бузмоқда. Ушбу масалада КС мажлисида маъруза қилган Павел Ткачук мамлакат президентини судлар мустақиллигига таъсир қилаётганликда айблади.

Анкарада портлаш

Туркия пойтахтидаги савдо марказларидан бирида сешанба кўни номаълум террорчи ўзини портлатиб бориши оқибатида тўрт киши ҳалок бўлди, 54 одам жароҳатланди. Бундан ташқари, савд макази биносига жиддий зарар етган. Ҳозир таҳмин қилинишича, ушбу хунрезликни айирмачи Курдистон ишчилар партияси жангарилари содир этган бўлиши мумкин.



Хариз матбуоти хабарларини асосида тайёрланди.

АЛПОМИШНИНГ УЧИНЧИ ТАШРИФИ

«Алпомиш», «Алпамис», «Алпамис батир», «Алип-Манаш», «Алпамша»... Туркий халқларнинг деярли барчасида шунга ўхшаш ва шунга яқин достонлар, эпослар бор.

Қорақалпоқ оқинлари ҳам асрлар давомида ўз «Алпамис» достонини гурур билан қўйлаб келганлар. Айниқса, қорақалпоқ ёзма адабиётининг асосчиси Жиев Жиров (1730-1784) ихтимойий-лирик мазмунга эга шеърлар ёзиш билан бирга «Қирққиз», «Кўблон», «Қурбонбек» достонларини, айниқса, «Алпамис»ни маҳорат билан қўйлаган. Кейинчалик бу ишни Жиенмурат Жиров Бекмухаммад ўғли (1836-1908) қўйилмақом қилиб бажарган. Фольклоршунос А.Диваев «Алпамис»ни Жиенмурат Жировдан ёзиб олиб, Тошкентда нашр эттирган.

Санъат

Башарат бошига синови кунлар тушган 1941 йилда халқларимизни хушёрлик, фашизм вабосига қарши курашга чорлайдиган сахна асарига бўлган эҳтиёж кўнади. Шунда ажойиб олим, истеъдодли қаламкаш Нахим Давқораяв «Алпамис» достонини асосида драма ёзади. Таниқли бастакор В.Шафранников унга қўй басталайди. «Алпамис»нинг биринчи томошаси бутун қорақалпоқ халқи маданий ҳаётида эсда қоларли воқеа бўлди. Иккинчи марта бу мусиқали драма 1961 йили сахналаштирилган эди.

Яқинда Бердак номидаги Қорақалпоқ мусиқали драма театрининг ижодий жамоаси ушбу асарни учинчи бор сахнага қўйди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган бу премьерара замирида ўнлаб ижодкорлар, режиссёрлар, бастакорлар, актёрларнинг машаққатли ва завқли меҳнати ётиб-

Янгибоб ҚўЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ ФАРЗАНД

Республикаси, Фарғона, Хоразм, Бухоро, Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳридаги 60 та туруқхона ва 60 та поликлиника «Болага дўстона муносабатда бўлган тиббиёт муассасаси»га айлантириш мақсадида қатор тадбирларни амалга ошириб келаяпти.

Ўқинда Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги акушерлик мажмуаси шундай шарофли номга сазовор бўлди ва сертификат олди. — Мажмуаимиз 100 уринга мўлжалланган, — дейди мажмуа бўлим бошлиғи Сўнажол Қазақуллова. — Бу ерда энг замонавий тиббиёт жиҳозлари

ОДИЛБЕК ЯРАТГАН СЕҲР

Мадридда тупроқ қорини, бўёқ тайёрлаш, нақш солиш, ясаган буюмларни қиздириш, зарур ўт-ўланларни йиғиш сирлари отадан фарзандга, фарзанддан набиргага ўтиб келади. Одилбек ҳам кулолчиликдан биринчи сабоқни отаси — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодими марҳум Раҳимберди Матчановдан олди. Кейинчалик унга хоразмлик моҳир кулоллар — Ўзбекистон халқ устаси Давлатназар Мухаммадов ва Мухиддин Жалоловлар устозлик қилишди.

Хунармандчилик

Дарҳақиқат, Хонқа туманининг Мадир қишлоғи юртимиздаги машҳур кулолчилик марказларидан ҳисобланади. Бу ерда яшовчиларнинг ақсариёти сеҳрли қўллари билан тупроқдан мўъжиза яратади. Таниқли рассом, Ўзбекистон Бадиий академиясининг аъзоси Одилбек Матчанов ҳам ана шундай улўф касб соҳибларидан.

— Акам Матчанов билан ота-бобларимиз ишини давом эттиряпмиз. Улар Хоразмга сох бетакорлаган ва қўзалар, қўзачалар, тош чирок, коса, чойнақлар, бинолар сиртини беэзада ишла-тиладиган қошчилар тайёрлашган, — дейди Одилбек Матчанов. — Мана, кўриб турганингиздек, кам бўлганимиз

ларини беэаб турган зангори қошчилар қуллоб боболар иши. Бундан ташқари, ўша даврларда шаҳар қурилишида ишлатилган гиштлар ҳам қуллоллар томонидан тайёрланган. Зангори қошчилардаги бўёқлар вақт ўтган сайин хиралашаяпти, аксинча, янада ёрқинлашиб бораверади.

— Бу ишининг нозик жиҳатларини кўп, — дейди Одилбек ака. — Гиёҳ қулга сарик қўм аралаштириб, ҳўмдонда тўққиз юз даражагача қиздирамыз. Охирида ҳосил бўлган ишқорға зарур микдорда шиша синиқлари қўшиб, тегиримонда тортамыз. Қарабсизки, ялтироқ қатлам учун ишлатиладиган модда тайёр бўлади.

Одилбек ака Хоразм кулолчилик аъёналарини ўрганиши билан чекланиб қолмади. Фарғонадаги, бошқа жойлардаги кулолчилик марказларига ҳам борди. У ерлардаги машҳур усталар ишлари билан танишди. Олимлар, санъатшунослардан кўп нарсалар

ларни кўп, — дейди Одилбек ака. — Гиёҳ қулга сарик қўм аралаштириб, ҳўмдонда тўққиз юз даражагача қиздирамыз. Охирида ҳосил бўлган ишқорға зарур микдорда шиша синиқлари қўшиб, тегиримонда тортамыз. Қарабсизки, ялтироқ қатлам учун ишлатиладиган модда тайёр бўлади.

Одилбек ака Хоразм кулолчилик аъёналарини ўрганиши билан чекланиб қолмади. Фарғонадаги, бошқа жойлардаги кулолчилик марказларига ҳам борди. У ерлардаги машҳур усталар ишлари билан танишди. Олимлар, санъатшунослардан кўп нарсалар

ларини кўп, — дейди Одилбек ака. — Гиёҳ қулга сарик қўм аралаштириб, ҳўмдонда тўққиз юз даражагача қиздирамыз. Охирида ҳосил бўлган ишқорға зарур микдорда шиша синиқлари қўшиб, тегиримонда тортамыз. Қарабсизки, ялтироқ қатлам учун ишлатиладиган модда тайёр бўлади.

Одилбек ака Хоразм кулолчилик аъёналарини ўрганиши билан чекланиб қолмади. Фарғонадаги, бошқа жойлардаги кулолчилик марказларига ҳам борди. У ерлардаги машҳур усталар ишлари билан танишди. Олимлар, санъатшунослардан кўп нарсалар

ТАШКИЛОТ

Motorola GP-300, GP-340, VertexStandard VX-210, Посбон (Гранит, С-130)

РУСУМЛИ ҚЎЛДА ОЛИБ ЮРАДИГАН РАДИОСТАНЦИЯЛАР УЧУН ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КИРИТИШНИНГ ИШНИ СЎРАЙДИ.

Маълумот учун телефонлар: 133-55-33, 152-16-66

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОНЛАР!

Фарғона вилояти хўжалик судининг 2006 йил 28 ноябрдаги 15-0603/12810-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳрида жойлашган «ТЖМ Деларос» корхонасининг тугатиш бошқаруви корхонага қарашли бўлган «Электрод» шўъба корхонасининг

148 965 000 (бир юз қирқ саккиз миллион тўққиз юз олтими беш минг) сўмга баҳоланган мулкни Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги «Фар ким ошди савдо инвест» масъулияти чекланган жамияти қошида ўтказиладиган «Ким ошди» савдосига комплекс тарзда чиқарилганлигини маълум қилади.

«Ким ошди» савдосида иштирок этишни хоҳлаган шахслар қуйидаги телефонларга мурожаат этишлари мумкин: 224-31-24 «Ким ошди» савдоларини ўтказувчи «Фар ким ошди савдо инвест» масъулияти чекланган жамияти, 640-45-45 корхонани тугатиш бошқаруви.



Хариз матбуоти хабарларини асосида тайёрланди.

КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАГАН АВЛОД

(Давоми. Боши 1-бетда).

солиши мумкин. Гап шундаки, гоҳида ўқувчи-ёшларимиз билиб-билмай хатоликка йўл қўйишади. Ота-онасидан бемаслахат иш тутишади. Мисол учун, битирув кечасида ҳам айрим ёшларимиз хаддан зиёд ўзларига эрк беришади. Оилавий имконият ҳақида чуқур мулоҳаза юритмай, ота-онасини ташвишга қўйишади. Ўқувчиларимизнинг қўли-қўлида очик-сочик кийиниб, ён-атрофдагиларнинг энчасини қотиришларига баъзан ота-оналарнинг ўзлари ҳам бепарво қарашади. Фарзандини ҳашамга, калондимоғликка ўргатадиганларга нима дейсиз? "Қўш уясида кўрганини қилади", қабилида ота-онасидан "йўл-йўриқ" олган фарзанд эса, табиийки, шўхликка ўрганади. Ўтириш бахонасидаги йиғилишлар баъзу жамшида айланади. Дастурхонга шарбатлар, ноз-неъматлар билан биргаликда спиртли ичимликлар қўйилиб, баалоғат ёш оstonасидан ҳатлаётган ўғил-қизларимиз руҳиятига,



маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Шу ўринда анча йиллар олдин бўлиб ўтган бир воқеа ёдимизга тушди. Чекка қишлоқда ўқувчилар битирув кечаси учун пул йиғадиган бўлишди. Улар орасида камхаражроқ оиланинг боласи ҳам

бўлиб, у хар доим бундай пайтларда кимтиниб юрарди. Бой оилада ўсган, эрка бир йигит ўзининг ана шу синфдошини ҳаммадан олдида ер билан битта қилади: "Қанақасан, Азиз (исм ўзгартирилган), ҳаммамиз сенга қараб ўтирибмиз. Айтилган пулни қачон бера-

сан? Ота-онангга бўлмаса, мана менга айт, ўзим сенга пул берай", дейди. Бу гапдан сўнг номулса чиқолмаган Азизбек шу қўйи қишлоқдан чиқиб кетганича, ортага қайтмайди... Балки бу гапларни ўқиб, кимдир: "Битирув кечасида ёшлар бир-бирига яйрабди-

да, нима шунга ҳам ота-онасидан қозилона?" деб муносабат билдирар. Бизнингча, бундай мулоҳаза юритиш тўғри эмас. Зеро бола — нозик навиҳол! Унинг қандай ўсиши, келажақда ким бўлиб етишиши эса тарбияга боғлиқ. Шунинг учун мактаб таълимида олиб борилаётган ислохотлар туб мазмун-моҳияти билан ёшларимизнинг нафақат пухта сабоқ олишларига, шунингдек уларнинг тарбияси хусусида қайғуришга ҳам ҳизмат қилиши аҳамиятлидир.

...Сўнги кўнгируқ! Унинг ёқимли харангини фақат кўнгируқнинг ўзига ўхшатиш мумкин. Қулоқларингиз остида янраган бу садо қалбингизга муҳрлангандек бўлади. Вужудингиз ҳаяжондан бир энтикиб тушади. Қадрдон даргоҳ билан хайрлашиб, янги ҳаёт бўсағасига қадам қўйиш — умр йўлларининг эзгу бекатлари кабиндир.

Сўнги кўнгируқ! У хар бир қалбини буюк бунёдкорлик ишларига чорлайверсин!

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.



СПОРТ

АЛИШЕРНИНГ НАВБАТДАГИ ГАЛАБАСИ

Москва шаҳрида профессионал боксчилар ўртасида мусобақа ташкиллаштирилди.


Аҳамиятлиси шуки, унда икки нафар юртдошимиз ўз омадини синаб кўрди. Дастлаб, Бекзод Набиев арманстонлик Армен Сарксянга қарши рингга чиқиб, очколар ҳисобига имкониятни бой берди. Яна бир вақилимиз Алишер Раҳимов ва россиялик тахрибали боксчи Юрий Романович ўртасидаги жанг узок давом этмади. Алишернинг кетма-кет берган қучли зарбаларига рақибни уч раунд чидаб берди, холос.

ИРОДАНИНГ ЗАФАРИ

Аёллар ўртасида шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лигасида голиб ва совриндорлар маълум бўлди.

Мусобақада самарқандлик спорт устаси Ирода Ҳамроқуллова 8 очко жамғариб, чемпионлини қўлга киритди. Пойтахтлик Ольга Собирова (7,5 очко) қумуш, фарғоналик Нафиса Муминова (7 очко) эса бронза медали билан тақдирланди.

З. ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири.



Интернет кафе ҳам болаларнинг хизматида. — Боғни бундай кўркам ва мукамал ҳолга келтириш учун кейинги икки йилда 1 миллиард 800 миллион сўм маблағ сарфланди, — дейди, Рустам Ражабов. — Бу — келажак учун қилинган инвестиция. Бугун биз унинг самарасини кичкинтойларнинг шўх-шодон кулгусида кўраяпмиз. Эртага эса уларнинг юрт равақи йўлидаги фидойилигида кўрамаз.

Б. НОРҚОБИЛОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ҚАРШИДА БОЛАЛАР БОҒИ

Шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган ушбу истироҳат боғи ҳамisha гавжум. Бу ерда болаларнинг яши дам олиши, жисмоний чинқиши ва интеллектуал ривожланиши учун барча шароитлар яратилган. Соя-салқин йўлакларнинг икки ёни кишин-ёзин ям-яшил майсазор. Уларнинг орасидан минти фаворалар отилиб туради. Тош ариқдан оқётган зилол сув боғ четидидаги қўлга бориб қўйилади. Қўлда эса ота-оналар ва болалар балиқликда сайр қилиши учун мўлжалланган махсус катамаранлар сузиб юрибди.



— Боғни таъмирлаш ва жиҳозлаш учун шаҳар ҳокимлиги ажратган бюджет маблағлари билан бир қаторда, хомилар қўмағидан ҳам фойдаланилди, —

Бунёдкорлик

дейди истироҳат боғи директори Рустам Ражабов. — Мана бу катамаранларнинг тўрттасини Таллимаржон иссиқлик электр станцияси Самарқанддаги «Шисапластик» корхонасидан сотиб олиб берди. Боғнинг ўртасида жойлашган болаларни

соғломлаштириш иншоотини Шўртан газ-кимё мажмуи Туркиядан 120 минг АҚШ долларига олиб келди. Умумий қиймати 300 миллион сўм бўлган, Хитойда ишлаб чиқарилган «Самолёт-соябон», «Тойчок», «Спирал» аттракционлари Шўртан унитар шўъба корхонасининг болаларга совғаси бўлди...

Бу ерда бошқа хил аттракционлар ҳам кўп. Қияликка ўрнатилган самолёт гўё йўлакдан шиддат билан ўтиб келиб, осмонга парвоз қилаётганга ўхшайди. Болалар учун мультфильмлар намойиш этилмоқда. Шунингдек, музқаймоқ ва салқин ичимликлар сотиладиган соябонли майдончалар, ўйинчоқлар, қўшлар ва балиқчалар билан савдо қилувчи ихтисослашган дўконлар, дори-хона, тиббиёт хонаси ҳамда

ГИЁҲФУРУШИ ДАМ ОЛИШИ, ЖИСМОНИЙ ЧИНҚИШИ ВА ИНТЕЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНИШИ УЧУН

Ташкилот кенг турдаги «ГАЗ» русумли автомобилларни тақлиф этади: — «Волга» автомобиллари; — 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар; — 3-7 ўриндиқли металл билан қўпланган (цельнометаллические) фургалар, юк кўтариши — 0,8 тн.; — 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

республикаимиз фуқароси Абдумалик Тўрақулловнинг қўл юклари текширилганда, унда қарийб 23 кг. оғир гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланди. Суриштирув давомида маълум бўлишича ушбу закри қотилини афғон миллатига мансуб номаълум шахс қайта пуллаш мақсадида Абдумалик Тўрақулловга берган экан.

КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ...

Сирдарё вилояти божхоначилари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан ҳамкорликда Гулистон шаҳар ҳудуди орқали Қозғистонга қараб йўл олган Д.Аҳмедов бошқарувидаги «КАМАЗ-5320» русумли юк автоуловини текширишганда, унда қўшни давлатга ноконуний равишда олиб чиқиб кетилаётган қарийб 14 тонна рангли металл парчалари борлиги аниқланди.

Божхона

Жиззах вилояти божхоначилари ҳам кўп миқдордаги рангли металлни юртимиз ҳудудидан ноконуний тарзда олиб чиқилишининг олдини олишди. Республикаимиз фуқароси Шамс Мардонов бошқарувидаги «ЗИЛ» русумли юк машинасида қўшни давлатга қонунга зид равишда олиб кетилаётган 6 тонна рангли металл парчалари мавжудлиги аниқланди.

Хозирда ушбу қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Н.САЛОМОВ.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГТА

GAZ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли	GAZ-31105, «ВОЛГА»	GAZ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли	Махсулот сертификатланган
GAZ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи	GAZ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қўпланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли	GAZ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли	
GAZ-3307 Автовакуатор	GAZ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли		

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тошкент мулоқот линияси телефонлари 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРИ ТАҚЛИФ ЭТАДИ

ШУНИНГДЕК, МАХСУЛ ТЕХНИКАЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЙУРТМАЛАР КАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».

ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидроқўтаргичлар, автоустакончалар, бургулаш (буровые), чикинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.

АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилли ташийдиган, самосваллар.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 33493 нусхда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Телефонлар:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терияди ва операторлар Жамшед Топиев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Манзиллимиз: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Назбатчи котиб — А. Орипов. Назбатчи муҳаррир — У. Файзинова. Назбатчи — З. Жонибеков. Мусоҳаҳ — Ш. Машраббеков.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Тошхирлиди — 23.30 1 2 3 4 5